

## Илм - ақл чироғи



06:47 / 07.09.2018 11050

Бугунги жумъа мавъизасида имом-хатибларимиз "Илм - ақл чироғи" мавзусида маъруза қиладилар. Бу ҳақда ЎМИ расмий [сайтида хабар берилмоқда.](#)

### ميجرلا نمجرلا هلا مس

**Муҳтарам азизлар!** Маълумки, Ислom дини инсонларни илм олишга тарғиб қилувчи диндир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган дастлабки оятларда ўқишга буюрилишнинг ўзи ҳам Ислom илму маърифат дини эканининг ёрқин далилидир. Аллоҳ таоло илмни қиёматгача бандалар учун маърифатга эришиш, ҳақиқатни топиш, икки дунё саодатига эришиш воситаси қилди. Илмсизлик эса инсониятни тубанликка, ҳалокатга олиб боришини билдирди. Инсонларни илм олишга ва шу орқали Парвардигорини танишга буюрди. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:



яъни: **“Ким илм талаб қилаётган вақтида ажали етиб қолса, Аллоҳ таолонинг ҳузурида у билан пайғамбарлар ўртасини фақат пайғамбарлик даражасигина ажратиб туради”** (Имом Табароний ривояти).

**Муҳтарам азизлар!** Илм олиш ва китоб мутолаа қилиш борасида улуғ зотлардан ажойиб хотиралар қолган. Жумладан мазҳабимиз уламоларидан бўлган Муҳаммад ибн Ҳасан Аш-Шайбоний китоб ўқиш асносида мураккаб бир масалага ечим топганларида, хурсанд бўлиб кетганларидан:

لَا تَذَلُّ وَدَّهَ نَمْرُكَ وَوَلُّمُ الْإِنْبَاءِ نَبَا

яъни: *“Бундай лаззатни подшоҳларнинг болалари ҳам кўрмаган”,* – дер эканлар. Имом Шофеъий айтадилар:

نَحْنُ عَفْرُؤٌ مَمَّوَحَرَفٍ رِيحٌ شَيْفٍ وَلَوْ لَيْلٍ بِسُنْ نَمْرُكَ نَمْلٌ لَعَلَّ فَرَشَ نَم

яъни: *“Илмнинг қадри шунчалик баландки, кимга илм нисбати берилса, - гарчи у арзимас нарсада бўлсада - хурсанд бўлади. Агар кимни илмсиз дейилса, хафа бўлади”.* Буюк муҳаддис Имом Абу Довуд Ас-Сижистоний кийим тиктирганларида, унинг енгини кенг қилиб тиктирар эканлар. Чунки унга китоб солар эканлар. У киши кўп китоб ўқишни яхши кўрар эдилар. Қаерга бормасинлар, албатта ёнларида китобларини олиб юрар, бўш вақт топилди дегунча китобларини олиб ўқир эканлар.

Уламолардан бирлари: *“Агар биз китоб ўқишдан топаётган лаззатни мулкдорлар билсалар эди, уни биздан тортиб олишарди”,* – дер эди.

Ал-Ҳасан ибн Саҳл айтадилар: *“Маъмун ухлаганда атрофида китоблари турар эди. Ухлашдан олдин ҳам китоб ўқир, уйқудан уйғониб кетганида ҳам китоб ўқир эди. У шундай деб васият қилар эди:*

عَقْمَارٌ نُؤْيُغُوْةَ قَطَانٌ نُؤْسَلْ أَاهُ نِإْفِ بْتُكْ لَلْإَةِ أَرْقَبِ بَرْغُلْ لَلْإَةِ شَحَّ وَ لَعَلَّ نَعْتَسَا

яъни: *“Ёлғизлик ваҳшатини китобларни ўқиш билан енггин. Зеро, китоблар сўзлагувчи тиллар ва тикилиб турувчи кўзлардир”.* Ал-Ҳасан Ал-Луълуий айтадилар: *“Қирқ йил бўлди, турганимда ҳам, ухлаганимда ҳам кўксимдан китоб тушган эмас”.* Шафиқ ибн Иброҳим Ал-Балхий айтадилар: *“Биз Абдуллоҳ Ибн Муборакка: “Нима учун намоз ўқиб бўлганимиздан сўнг биз билан бирга ўтирмайсиз?”,* – деб сўрадик. У киши: *“Саҳобалар ва тобеинлар билан бирга ўтиришга кетаман”,* – дедилар. Биз: *“Саҳобалар ва тобеинлар қаерда экан?”,* – деб, ҳайрон бўлиб яна сўрадик. Шунда у зот: *“Китоб*

Ўқийман, шунда улар ҳақида, қилган ишлари ҳақида билиб оламан. Сизлар билан ўтириб нима қиламан. Сизлар бекор ўтириб, одамларни ғийбатини қилиб ўтирасизлар”, – деб жавоб бердилар”.

Бобомиз Амир Темур айтадилар: “Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл идрокнинг, илму-донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир”.

**Муҳтарам жамоат!** Барчаларимиз ёш авлод таълим-тарбияси борасидаги давлат дастурини амалга оширишда ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида саъю-ҳаракат қилсак, бу борадаги дунёқараш ва тасаввурларни тубдан ўзгартирсак, кўзланган мақсад ва натижаларга эришамиз. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади:

...مَوْسُفَنَابِ اِم اُوْرِيْعِي وَيْتَحِمُ وِقَبِ اِم رِيْعِي اِلَّالْاِن... (ةروس)  
11/دعُّرلَا

яъни: **“...Албатта, Аллоҳ бирор қавм ўзларидаги нарсани (неъматларга нисбатан муносабатни) ўзгартирмагунларича, улардаги нарсани (ҳолатни ёмон ҳолатга) ўзгартирмас...”** (Раъд сураси, 11-оят)

Ҳозирги фаровон, тинч-омон ва тўкин-сочин ҳаётимиз қадрига етмаган айрим ёшлар таълим олиш, ўқиш-ўрганиш, меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, касб-ҳунар сирларини ўрганиш фурсатини ғанимат билмай, бепарволик қилмоқдалар. Улар олтидан қиммат вақтларини кўча-куйларда бемақсад юришлар билан бой беришяпти, кунларини мазмунсиз ўтказиб, бегона ёт ғоялар ортидан эргашиб, ёш умрларини хазон этмоқдалар.

رَجَّحْ اِي فِشِّ قَوْلَاك رَعَّصْ اِي فِ مَلْعَلَا نِي رِصَبَلَا نَسَحْ اِنَع

яъни: Ҳасанул Басрийдан ривоят қилинади. У зот: “Ёшликда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш кабидир”, – деганлар. Шу ўринда муҳтарам оналарга фарзандлари тарбияси ва таълимига жиддий аҳамият беришга, уларни ҳар вақт назорат қилиш, мактабдан сўнг албатта бирон бир машғулот билан шуғулланиш, спорт, уй юмушлари, томорқа ва чорва ҳайвонлари парвариши каби жисмоний ишларга жалб қилишлари зарур эканлигини таъкидлаймиз.

Аллоҳ таоло азиз фарзандларимизни жисмонан соғлом, ақлан етук ва теран билимли, бўлиб тарбия топишлари ва камолат чўққиларига



Ашуро кунидан аввал ҳам, кейин ҳам бир кун рўза тутиш мустаҳаб бўлади (Фатхул Қадир).

يَلَعَّ سَوْوَنَم " : مَلَسَوُهَيَلَعُّ لَلَّيَّ لَصَّيَّ بَّنَلَلَّاق : لَاقْ هَلَلَّ دَبَّعَنْع  
مَامُ الْهَاورَ) وَتَنَسَ رِيَّاسِ يَفِ هَيَلَعُّ هَلَلَّ عَسَوَءَ اَرُوشَاعَ مَوِيَّ هَلَّايَع  
يَقَّهَيَّ بَلَّ

яъни: Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
“Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Ким оила аҳлига Ашуро кунида** (озиқ-овқат, кийим-кечакда ва бошқа нарсаларда) **кенгчилик қилса, йилнинг қолганида Аллоҳ унга кенгчилик қилади**” (Имом Байҳақий ривояти).

Аллоҳ таоло кириб келаётган янги 1440 ҳижрий йилни барчамизга муборак айласин! Омин!